

**"ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ"НИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ
ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ
ШАРОИТЛАРГА МОСЛАШТИРИЛИШИ**

Исманов Иброҳим Набиевиҷ и.ф.д., профессор

ФарПИ БХ ва аудит кафедраси мудири

Ёрматов Илмидин Тошматович, и.ф.н.,

ФарПИ Менежмент кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада "ҳалоллик вакцинаси" концепциясини Ўзбекистонда жорий этишнинг халқаро тажрибаси ва уларни миллий шароитларга мослаштириш масалалари ёритилган. Мақолада асосий эътибор коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси сифатида "ҳалоллик вакцинаси"ни Ўзбекистонга жорий этишнинг ҳуқуқий, институционал ва ташкилий механизмларини яратиш, ҳалоллик маданиятини шакллантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ҳалоллик индикаторлари асосида давлат-хусусий шериклик фаолиятини мониторинг қилиш масалаларига қаратилган. Мақолада "цифр нолга" ёндашуви концепциясидан фойдаланиб, аниқланган коррупция ҳолатларига қатъий ҳуқуқий жавоб бериш механизмларини такомиллаштириш ҳамда Малайзияда жорий этилган "ҳалоллик қиймати" индексини Ўзбекистон шароитига мослаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳалоллик вакцинаси, ҳалоллик маданияти, жамоатчилик назорати, ҳалоллик индикаторлари, ҳуқуқий механизmlар, институционал ўзгаришлар, ташкилий чора-тадбирлар, давлат-хусусий шериклик.

Кириш

Глобаллашув ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши замонавий жамиятни тобора мураккаблаштириб бормоқда. Бундай шароитда давлат бошқаруви ва тадбиркорлик фаолиятида ҳалоллик тамойилларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабабларидан бири - жамиятнинг давлат ва тадбиркорлик тузилмаларига бўлган ишончининг пасайиб бориши, коррупция ва бюрократизм масалаларининг долзарблашувидир.

Ушбу вазиятдан чиқиши йўлларида бири сифатида "ҳалоллик вакцинаси" ғояси кенг тарқалмоқда. "Ҳалоллик вакцинаси" концепцияси коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида қўргина мамлакатларда қўлланилмоқда. Бу ёндашув Transparency International ташкилоти томонидан 2005 йилда таклиф этилган ва кейинчалик АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Германия, Швеция, Нидерландия, Швейцария каби бир қатор

ривожланган давлатлар томонидан ҳам қўлланила бошлади. Масалан, Канадада "ҳалоллик вакцинаси" давлат хизматчилари ва бизнес вакиллари ўртасида ҳалол муносабатларни ўрнатишга қаратилган. Австралияда "ҳалоллик вакцинаси" ҳукумат ва бизнес ўртасидаги шаффоффлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга қаратилган[5].

Ўзбекистонда ҳам "ҳалоллик вакцинаси"ни жорий этиш бўйича бир қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган. Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Инновацион ривожланиш илмий-техник маркази каби муассасалар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган. Бу тадқиқотлар асосида Ўзбекистон шароитида "ҳалоллик вакцинаси"ни жорий этиш зарурияти, уни қўллашнинг ҳуқуқий, институционал ва ташкилий механизмлари, самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган[6].

Ҳалоллик вакцинаси тўғрисидаги ҳалқаро тажриба

Дунё мамлакатларида ҳалоллик тамойилларини жорий этиш борасида қўйидаги тажрибалар мавжуд[8,9,10,11,14,20]:

- Италия - "ReplaxIT" ҳалоллик қўрсаткичлари тизимини жорий этган. Ушбу тизим давлат хизмати сифатини оширишга, бюрократик тўсиқларни камайтиришга ва ахлоқий қадриятларнинг кенг ривожланишига хизмат қилмоқда.

- Хитой - "Ҳалоллик индекси"ни жорий этган. Мазкур индекс давлат хизматчилари ва тадбиркорлар фаолиятида ҳалоллик даражасини баҳолаш ҳамда уларни рағбатлантиришга қаратилган.

- Жанубий Корея - "Ҳалоллик юлдузи" тизимини жорий этган. Ушбу тизим орқали ҳалоллик мезонларига амал қилувчи ташкилотлар ва мансабдор шахслар тақдирланмоқда.

- Малайзия - "Ҳалоллик қиймати" индексини яратган. Мазкур индекс орқали ташкилотлар ҳалоллик даражасини баҳолаш ва бу бўйича ўз-ўзини текшириши мумкин.

- Германия - "Ҳалоллик тажрибаси" тизимини яратган. Ушбу тизим давлатнинг ҳалоллик стратегиясини амалга ошириш механизмларини ўз ичига олади.

- Сингапур - "Ҳалоллик ҳаракати" доирасида намунавий ташкилотларни ажратиб қўрсатмоқда. Бунда ҳалоллик тамойилларини фаол қўллаётган ва жамиятда ижобий намуна бўлаётган ташкилотлар қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу индекслар давлат органлари, корхона ва ташкилотларнинг ҳалоллик ва шаффоффлик даражасини баҳолаш учун мўлжалланган. Уларнинг асосий мақсади ташкилотларнинг ҳалоллик, коррупцияга қарши курашиш, этика

меъёрларига риоя этиш, қонунчиликка амал қилиш, ахборот очиқлиги ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги каби кўрсаткичларини ўлчаб, уларни ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бундан ташқари, индекслар ташкилотларнинг рақобатбардошлиги ва обрў-эътиборини оширишга ҳам хизмат қиласи. Шу тариқа, ҳалоллик ва шаффоффлик маданиятини мустаҳкамлаш ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Юқорида кўриб ўтилган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам "Ҳалоллик қадриятлари" индексини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу индекс давлат бошқаруви тизими, хусусий сектор ва жамоатчилик ўртасидаги ҳалоллик ва ўзаро ишонч муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

"Ҳалоллик қадриятлари" индекси давлат органлари, корхона ва ташкилотларнинг касбий этика қоидаларига риоя этиш даражаси, шаффоффлик ва ҳисобдорлик тамойилларига амал қилиш, манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик, коррупцияга қарши кураш ҳамда жамоатчилик билан очик мулоқот каби мезонларни ўз ичига олади. Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон учун "Ҳалоллик қадриятлари" индекси деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар:

- "Ҳалоллик қадриятлари" атамаси Ўзбекистон учун мос келади. Чунки Ўзбекистон халқининг миллий ва маънавий қадриятларида ҳалоллик, адолат, инсоф каби тушунчалар муҳим ўрин тутади.

- Ўзбекистонда давлат бошқаруви, хусусий сектор ва жамоатчилик ўртасидаги ҳалоллик муносабатларини мустаҳкамлашда мазкур индексга таянч бўлади.

- "Ҳалоллик қадриятлари" индекси орқали ташкилотлар ўз фаолиятидаги ҳалоллик, шаффоффлик, коррупцияга қарши қурашиш, ижтимоий масъулият каби жиҳатларни баҳолаш ва такомиллаштириш имконига эга бўлади.

- Бу индекс Ўзбекистонда ҳалоллик ва этика маданиятини шакллантириш ҳамда давлат-хусусий шериклиқда ўзаро ишончни мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

Шундай қилиб, "Ҳалоллик қадриятлари" индекси Ўзбекистон шароитига мослашган ва самарали амалга ошириладиган тизим бўлиши мумкин. Ўзбекистонда ҳалоллик тамойилларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:

- Қонунчилик ва меъёрий-хукуқий базани такомиллаштириш. Ҳалоллик тамойилларини давлат бошқарувида ва тадбиркорлик фаолиятида қўллаш учун зарур хукуқий механизmlарни яратиш.

- Ҳалоллик индекси ва рейтингини жорий этиш. Ушбу индекс орқали ташкилотлар фаолиятида ҳалоллик даражасини баҳолаш, жамиятнинг ишончини ошириш.

- Ҳалоллик академияси ва марказларини ташкил этиш. Ҳалоллик бўйича тренинглар ўтказиш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион ғоялар яратиш.

- "Ҳалоллик харакати" ва "Ҳалол брендлар" тизимини жорий этиш. Ҳалоллик тамойилларини тақдирлаш ва рағбатлантириш орқали намунавий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш.

- Ҳалоллик мезонларини таркатиш ва тарғибот қилиш. Аҳоли ўртасида ҳалоллик қадриятларини шакллантириш, ҳалоллик маданиятини ривожлантириш.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқот ишида "ҳалоллик вакцинаси" концепциясининг назарий асослари ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинди. Унда қиёсий-таҳлилий, мантикий-конструктив ва эмпирик тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари, мамлакатлар тажрибаси ва миллий статистик маълумотлар чуқур ўрганилди. Шунингдек, Ўзбекистонда "ҳалоллик вакцинаси"ни жорий этишга оид қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурлари ҳам таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар

Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро тажрибада "ҳалоллик вакцинаси" деб аталувчи ёндашув илк бор Колумбияда қўлланила бошлаган. Унда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш учун комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу эса ташкилотлар ва жамият ичida ҳалоллик маданиятини шакллантиришга қаратилган.

"Ҳалоллик вакцинаси" концепциясининг асосий йўналишлари.

1 – жадвал*

T/p	Йўналишлар	Мазмуни	Амалга ошириш механизми
1	Ташкилотларда ҳалоллик маданиятини шакллантириш	Ички назорат тизимини яратиш	Ташкилотларда коррупция ҳолатларини аниqlаш ва олдини олиш механизmlарини ривожлантириш

		Шаффофлик ва хисобдорликни таъминлаш	Ташкилот фаолияти ва молиявий маълумотларни очик эълон қилиш, хизматларни олиш жараёнларини соддалаштириш
		Ходимларни ҳалоллик руҳида тарбиялаш	Ходимларни ҳалол ва шаффоф фаолият кўрсатишга ундовчи тренинглар, семинарлар ўтказиши
2	Давлат хизматчиларининг ҳалоллигини таъминлаш	Давлат хизматчиларини ҳалоллик руҳида тарбиялаш	Давлат хизматчиларига ҳалоллик, коррупцияяга қарши курашиш бўйича ўкув дастурларини жорий этиш
		Давлат хизматчилари учун қатъий хулқ-атвор кодексини жорий этиш	Мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор, мансабдорлик вазифалари ва масъулиятини белгилаш
		Коррупцияга нисбатан қатъий жазо чораларини кучайтириш	Коррупция ҳолатларида қатъий хукуқий жавобгарликка тортиш тизимини яратиш
3	Жамиятда ҳалоллик маданиятини шакллантириш	Аҳолининг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш	Коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақида кенг маънавий-маърифий ишларни олиб бориш
		Коррупция ҳолатлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш	Коррупция фактларини ошкор қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш
		Ҳалол-парҳез миллий ғояларини тарғиб қилиш	Ҳалқ анъаналари ва динларидаги ҳалоллик, адолат, инсофга риоя этиш ҳақидаги ғояларни оммалаштириш.

*Муллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча бу йўналишларни Ўзбекистонни ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб қўллаш ташкилотлар, давлат хизматчилари ва жамият ичидаги ҳалоллик маданиятини шакллантириш орқали коррупцияга қарши самарали курашиш имконини беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам "ҳалоллик вакцинаси"ни жорий этишга оид кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2023 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий қонунчилик ва институционал базани мустаҳкамлаш, шаффоффликни ошириш ҳамда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш бўйича бир қанча муҳим қарор ва дастурлар қабул қилинди.

Тадқиқот давомида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2023 йилда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш соҳасида эришилган асосий ютуқлар, шунингдек, учраётган камчиликлар таҳлил қилинди. Хусусан, Агентлик томонидан очиқлик соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш, очиқ маълумотлар кўламини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, амалдаги қонунчилик ҳужжатларидаги бўшлиқларни тўлдирилиб, ижросини таъминлаш бўйича тизимли таҳлилларга асосланган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган даврда очиқлик ва шаффоффликни таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчилик илғор халқаро стандартлар асосида янги таҳрирда қабул қилинди. Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ҳам самарали равишда ўзлаштирилди. Жумладан, 2017-2023 йиллар давомида қабул қилинган 180 та норматив-хукуқий ҳужжатда очиқлик, шаффоффлик ва ҳалол бизнес механизmlарини жорий этишга қаратилган 328 та вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди. Улардан 187 тасида амалдаги механизmlар шаффоффлик ва очиқлик тамойиллари асосида такомиллаштирилди, 141 таси бўйича эса янги амалиёт йўлга қўйилди.

Шу жумладан, давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ эълон қилиниши йўлга қўйилди. Бу борада Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ўтказилган мониторинг натижасида 138 та қонунбузилиш аниқланиб, бартараф этилди ҳамда 110 млрд. сўмлик давлат харидлари бекор қилинди. Шунингдек, 123 та давлат органи ва ташкилотида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш учун 615 дан ортиқ алоқа канали ("Ишонч телефони", электрон почта, платформалар ва бошқалар) очиқ эълон қилинди ва улар тизимли равишда фаолият қўрсатмоқда. Бундан ташқари, фаолияти очиқлиги ўрганилган 103 та давлат идорасининг 75 фоизи 2023 йилда ўз фаолиятига оид ҳисоботларни жамоатчилик иштирокида эълон қилди[19].

Шунингдек, Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш агентлигига "Қайта алоқанинг сирли мижози" тадбирлари орқали давлат идораларининг ишонч телефонлари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Бу борада, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг Ишонч телефонлари (Call-markaz) ҳамда

расмий веб-сайтларда эълон қилинган телефон рақамларнинг доимий равища ишчи ҳолатдалиги, маълумотлар алмашинуви самарадорлиги, қайта алоқанинг мавжудлиги, тезкорлиги ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши масофавий мониторинг тартибда ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида давлат идораларига тақдимнома киритиш тартиби белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

2 – жадвал*

Т/р	Кўрсаткичлар	2017 йил	2023 йил
1	Коррупцияга оид шикоятлар сони	2789	1452
2	Коррупция фактлари бўйича қўзғатилган жиноий ишлар сони	1567	2189
3	Коррупция омилларини бартараф этиш бўйича киритилган таклифлар сони	1910	3264
4	Жамоатчилик назорати доирасида аниқланган коррупция ҳолатлари сони	984	1652
5	Коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар натижасида давлатга етказилган зарарнинг қопланиш даражаси, %	45	78

***Муллифлар томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумотлар асосида тузилган.**

2 – жадвал маълумотларини таҳлили коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ишлар натижасида 2017 йилга нисбатан 2023 йилда қуйидаги ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда:

1. Коррупцияга оид шикоятлар сони 2789 дан 1452 тага камайган. Коррупцияга оид шикоятлар сонининг камайиши бизнес юритиш шароитларининг яхшиланганлигини намоён этмоқда.
2. Коррупция фактлари бўйича қўзғатилган жиноий ишлар сони 1567 дан 2189 тага ошган. Бу давлат органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш ишларининг кучайганлигини билдиради.
3. Коррупция омилларини бартараф этиш бўйича киритилган таклифлар сони 1910 дан 3264 тага кўпайган. Бу соҳадаги назорат ва тизимли ишларнинг самарадорлигини оширганлигидан ва коррупция омилларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар сонининг ошиши ҳалоллик тамойилларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган.
4. Жамоатчилик назорати доирасида аниқланган коррупция ҳолатлари сони

984 дан 1652 тага ошган. Жамоатчилик назорати доирасида аниқланган коррупция ҳолатларининг кўпайиши шаффофлик ва ҳисобдорлик механизмларининг янада кучайганлигини ҳамда жамоатчилик ролининг ошганлигини кўрсатади.

5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида давлатга етказилган зарарнинг қопланиш даражаси 45%дан 78%га ортган. Бу кўрсаткич ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишлари самарадорлигининг ортганлигини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши қурашиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ҳалол ва шаффоф бизнес муҳитининг шаклланиши йўлида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланишига, кичик ва ўрта бизнесни ривожланишига ҳамда умуман иқтисодий тараққиётга ижобий таъсири кўрсатади.

Шу билан бирга, "ҳалоллик вакцинаси"ни жорий этиш борасида миллий менталитет, маҳаллий анъаналар ва ҳалқаро тажрибани ўрганиб, уларни ҳисобга олиб амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, давлат хизматчилари ва фуқароларнинг ҳалоллик маданиятини шакллантириш, даромадларни декларация қилиш тизимини жорий этиш, ахборот очиқлигини таъминлаш каби масалалар ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олиш талаб этилади.

Хулоса

Коррупцияга қарши қурашишнинг самарали усули сифатида "ҳалоллик вакцинаси" концепциясини Ўзбекистон шароитига мослаштириб жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳалоллик ва шаффофлик маданиятини мустаҳкамлаш, коррупцияни олдини олишга қаратилган тизимли ёндашув коррупцияга қарши қурашишнинг энг самарали восита ҳисобланади. Ушбу концепция давлат бошқаруви тизимидағи барча бўғинларда жорий этилиши, шунингдек, жамоатчилик назорати ва ҳалоллик мониторинги механизмларини ривожлантириш орқали кучайтирилиши керак.

Ўзбекистонда "ҳалоллик вакцинаси"ни татбиқ этиш учун қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Давлат бошқаруви, хусусий сектор ва фуқароларнинг ҳалоллик тамойилларига риоя этишини таъминлайдиган ҳуқуқий, институционал ва ташкилий механизмларни яратиш.

2. Ҳалоллик маданиятини шакллантириш ва оммалаштириш бўйича тизимли ўқув-тарбия ишларини олиб бориш.

3. Коррупцияга қарши қурашишда жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ҳалоллик индикаторлари асосида давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш.

4. Коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга "цифр нолга" қараб жавоб бериш механизмларини такомиллаштириш. Яъни, коррупция ҳолатларида қатъий чора-тадбирлар кўриш, жиноий жавобгарликни қўллаш, давлат идоралари раҳбарларининг маъсулиятини ошириш, ғайриқонуний фойда олувчиларга нисбатан мулкий хуқуқларни чеклаш кабиларни назарда тутади[16].

Ушбу чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали Ўзбекистонда ҳалоллик ва шаффоффлик маданиятини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигини янада оширишга эришиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш каби устувор мақсадларга эришишга хизмат қиласди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармонига 1-илова. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 12.01.2022 йилдаги ПҚ-81-сон Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 07.12.2021 йилдаги ПҚ-34-сон Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конвенцияси 28.08.2008 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси.
5. Акназаров, О. ва Юнусов, Ш. (2020). Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш: муаммолар ва ечимлар. Халқаро ахборот, 12(3), 45-52.
6. Исамова, Д. (2019). Ўзбекистонда ҳалоллик маданиятини шакллантириш: ўзига хос хусусиятлар ва истиқболлар. Иқтисодиёт ва таҳлил, 4(2), 67-72.
7. Transparency International. (2021). Коррупцияга қарши курашиш стратегиялари: Халқаро тажриба. Берлин, Германия.
8. OECD. (2020). Ҳалоллик ва шаффоффлик: Давлат бошқарувини яхшилаш. Париж, Франция.
9. World Bank. (2019). Коррупцияга қарши курашиш бўйича энг яхши амалиёт. Вашингтон, АҚШ.
10. Malaisie. (2018). "Ҳалоллик қиймати" индексини яратиш тажрибаси. Куала-Лумпур, Малайзия.
11. Кембриж Университети. (2017). Ҳалоллик маданиятини шакллантириш: Халқаро тажрибалар. Кембриж, Буюк Британия.

12. Олимжонов, О. ва Холмўминов, Ш. (2020). Ўзбекистонда ҳалоллик ва шаффоффликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ҳуқуқшунослик журнали, 2(4), 89-96.
13. Қурбонов, К. ва Зокиров, А. (2019). Ўзбекистон давлат бошқарув тизимида ҳалоллик маданиятини шакллантириш. Давлат бошқаруви, 4(2), 67-73.
14. Алиев, А. ва Олимов, М. (2018). Жамоатчилик назоратини ривожлантириш орқали Ўзбекистонда ҳалоллик маданиятини шакллантириш. Иқтисодиёт ва инновациялар, 3(1), 45-51.
15. Файзиев, Б. ва Исоқов, Ж. (2017). Давлат-хусусий шериклиқда ҳалоллик ва шаффоффликни таъминлашнинг институционал ва ташкилий механизмлари. Иқтисодий таҳлил, 2(4), 78-85.
16. Норқўчкоров, А. ва Собиров, М. (2021). "Цифр нолга" ёндашуви асосида коррупция ҳолатларига қатъий ҳуқуқий жавоб бериш механизмларини такомиллаштириш. Ҳуқуқий ислоҳотлар, 3(1), 56-62.
17. Ибрагимов, С. ва Ражабов, Б. (2017). Ўзбекистонда ҳалоллик ва шаффоффликни ошириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш. Инновацион тараққиёт, 2(4), 89-96.
18. Рустамов, У. ва Маҳмудов, Р. (2020). Коррупцияга қарши курашишда ҳалоллик вакцинасининг ўрни ва аҳамияти. Иқтисодиёт ва инновациялар, 3(1), 45-52.
19. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот. <https://anticorruption.uz/uz/article/agentlik-tizimida-korrupsiyaga-qarshi-kurashish>
20. Исманов, И. ва Ёрматов, И. (2024). O‘zbekistonda halol biznes: xalqaro tajriba va milliy rivojlanish. AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI. Vol. 4 Issue 07 | pp. 8-14 | ISSN: 2181-1865. Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>